

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 14 июль, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 134 (11.195)

Баҳоси эркин нарҳда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Нукус шаҳрида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни хусусида атрофлича фикр юритилди.

● Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида «Мустақиллик йилларида хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимояси» мавзусида давра суҳбати уюштирилди.

● Жорий йилнинг ўтган биринчи ярмида «Қорақалпоқ экспертиза» шўъба корхонаси томонидан ўз маҳсулотларини хорижга экспорт қилувчи корхоналарга 800 дан ортиқ халқаро сертификатлар берилди. Ушбу муҳим ҳужжат товарларнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилганлигини тасдиқлайди ва уларга имтиёзли савдо режимини беради.

● Жиззах вилояти Фориш туманининг тоғлик Нарвон қишлоғидаги мактаб тўла таъмирдан чиқарилди. Ушбу объектда 144 миллион сўмлик қурилиш-тиклаш ишлари бажарилган бўлиб, мактабнинг янги корпуси қурилди ва эски биноси реконструкциядан чиқарилди.

● Сурхондарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази замонавий асбоб-ускуналар билан қайта жиҳозланди. «Brillians-ST-6» русумли компьютер томография ускунасининг фойдаланишга топширилиши эса барча турдаги касалликларни тез ва тўғри аниқлаш, зарур муолажани ўз вақтида амалга ошириш имконини беради.

● Чуст туманида жорий йилнинг ўтган олти ойида 135 та корхонада 1741 ишчи ўрни яратилиб, касаначилик асосида хонадонларда дўппидўзлик, қандолатчилик, тикуччилик ва тўқувчилик ишлаб чиқариши йўлга қўйилди.

● Андижон вилоятининг «Лола» кўйрочқ театри болаларнинг ёзги дам олиш оромгоҳлари бўйлаб сафарга чиқди. «Қўрғоқ», «Беширик», «Автомобилчи», «Энергетик», «Шифокор», «Сўлим», «Навбахор» ҳамда Андижон шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли ўқувчи, тўртинчи болалар оромгоҳларида «Саховат маликаси» номли спектакл намойиш этилди.

● Самарқанд шаҳридаги Мир Саид Барака маҳалласига «ЭКОСАН» халқаро ташкилотининг дипломи ва пул мукофоти топширилди. Маҳалла аҳли бундай муваффақиятга тозалик, орасталлик доимий эътибор қаратиб келаятгани тўғрисида эришди.

● Самарқанд шаҳридаги «Ешлар» марказида балиқчиликни ривожлантиришга бағишланган уч кунлик семинар бўлиб ўтди. Вилоят балиқчиликни ривожлантириш ассоциацияси ва Туркия Иқтисодий қўмак ассоциацияси ёрдамида ташкил этилган мазкур анжуманда соҳа мутахассислари, вилоятдаги балиқчилик билан шуғулланувчи фермер хўжаликлари раислари қатнашишди.

ЖАҲОНДА

● БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун ҳамда Покистон ташқи ишлар вазири Шоҳ Махмуд Қурайши ўртасида ўтказилган ёпиқ учрашув якунларига қўра, томонлар собиқ бош вазири Беназир Бхуттога қилинган суиқасд юзасидан мустақил комиссия тузишга келишиб олдидилар. Шунингдек, комиссиянинг таркиби, молиялаштирилиши, маълумотлар олиш имконияти каби масалалар бўйича ҳам бир қарорга келинди.

● Кеча Парижда якунланган Ўрта Ер денгизи мамлакатлари саммитида Франция Президенти Н.Саркозининг ташаббуси билан яна бир янги халқаро ташкилот — Ўрта Ер денгизи мамлакатлари уюшмаси тузилди. Ўз ичига 43 та мамлакатни бирлаштирувчи мазкур ташкилот минтақада экология, тинчлик, хавфсизликни таъминлаш, иқтисодийни ривожлантириш ва бошқа масалаларни ҳал этиш билан шуғулланади.

● Хиндистон ва Афғонистон минтақада терроризмга қарши ҳамкорликда курашиш юзасидан саъй-ҳаракатларни бирлаштириш бўйича келишиб олишди.

● Корея ярим ороли муаммоси бўйича олти томонлама музокаралар иштирокчилари ядро дастурини тўхтатиш эвазига Шимолий Кореяга кўрсатиладиган энергетик ёрдам (450 тонна макут ва яна 500 минг тонна ҳажмидаги музобул ёнилғи) етказиб берилишини жорий йилнинг октябрь ойига қадар ўз ниҳоясига етказиш ҳақида келишувга эришдилар.

● Польшалик машҳур сёвсатчи, мамлакат собиқ ташқи ишлар вазири Б.Геремек кеча автоҳалокат пайтида ҳаётдан кўз юмди.

● Халқаро жиноий суднинг Судан раҳбарияти ва Дарфурдаги жиноятларни қоралашига нисбатан Хартум шаҳрида норозилик намойиши бўлиб ўтди.

● Афғонистонда икки кун давом этган жанг натижасида 40 га яқин жангари йўқ қилинди.

● Норвегияда экстремал спортчилар ўртасида 60 метрлик қоядан пастга шўнғиш бўйича халқаро мусобақалар бўлиб ўтди. Унда 30 га яқин спортчи иштирок этди.

● Нефть нархининг кўтарилиши йилнинг биринчи чорагида дунёдаги 25 та авиакомпаниянинг ўз фаолиятини тўхтатишига олиб келди, деб хабар беради АФП. Бунга сабаб — компаниялар иқтисодий инқирозга учрамоқда. Ҳаво транспортининг Халқаро уюшмаси (АТА) вакиллари айтишича, яқин орада яна бир неча авиакомпания ёқилги нархининг қimmatлашиши тўғрисида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлади.


Истиқлол — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажакимиз гаровидир

17 йил МУСТАҚИЛЛИК

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ 2007 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2008 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧЎҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИГА ҲАМ АЛОҲИДА ТЎХТАЛИБ, «МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИНИ БАЖАРИШ ҲИСОБИДАН 2007 ЙИЛНИНГ ЎЗИДА 270 ТА ЛОЙИҲА ЖОРИЙ ЭТИЛИБ, 60 ДАН ЗИЁД ЯНГИ МАҲСУЛОТ ТУРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЎЗЛАШТИРИЛДИ, САРО-ХАРАЖАТЛАР СЕЗИЛАРЛИ РАВИШДА КАМАЙИБ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ЎСДИ» ДЕБ ТАЪКИДЛАНГАНДИ.



ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ



Маҳаллийлаштириш дастури асосида фаолият юритаётган пойтахтимиздаги «SIMAX-PARS» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси ҳам ўтган йилда унинг ижросини 112 фойга уддалашга муваффақ бўлди. Корхонанинг фаолият кўрсатаётганига эндигина уч йил бўлсада, Россиялик ҳамкорлар билан алоқанинг яхши йўлга қўйилганиги, бозорни ўрганиш асосида импорт ўрнини босувчи маҳсулот тайёрлашни ҳозирда ўз самарасини бермоқда.

Халқимизда «Излаган имкон топади», деган ажойиб ибора борки, «SIMAX-PARS» тадбиркорлари ҳам ана шундай имкон топаётганлар, янгиликка интилаётганлар, муваффақиятлари эса рағбатларга сазовор бўлаётганлар сирасидандир. Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус—2008» кўрик-танловининг Мирзо Улугбек туман босқичида 1-ўринни, пойтахт босқичида эса 3-ўринни қўлга киритганлари бунинг яққол мисолидир.

Айни пайтда 30 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган жамоада уларнинг сафини кенгайтириш кўзда тутилган. Албатта, бу ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги маҳсулот турларини тайёрлашни йўлга қўйиш эвазига бўлади. Бунинг учун Россиядан янги техника келтирилади ва бунёдкорликда қўлланиладиган янги маҳсулот ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилади. Асосийси эса, мамлакатимиз иқтисодий ривожига муносиб ҳисса қўиш йўлидаги изланишларнинг самарасини амалда кўрсатишдир. Шу билан бирга улар яқинлашиб келаятган Мустақиллигимизнинг 17 йиллик тўйини муносиб ютуқлар билан нишонлашни ният қилишган. Бугунги саъй-ҳаракатлардан шу нарса яққол кўринмоқдаки, тадбиркорлар, албатта бунинг уддасидан чиқиболар.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: замонавий дастгоҳ меҳнат унвонини таъминлайди; тадбиркор раҳбар Сиддиқон Зокиров қуювчи уста Мирсобит Комиловнинг ишидан мамнун бўлмоқда.

Ҳақимжон Солихов олган суратлар

Мустақиллик — тақдиримда

Алишер МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон халқ рассоми, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби:
—Хар йили Мустақиллигимиз байрами арафасида ўтган йилларимиз, Истиқлол тўғрисида мамлакатимизда амалга оширилган катта ўзгаришлар, янгиликлар, бунёдкорлик ишларини бир-бир кўз олдимига келтиришимиз. Мустақиллигимиздан олдинги йиллар шаҳримиз қиёфаси ҳамда замондошларимиз ҳаёти, фаолиятини эста оламиз. Ҳозирги фаровон, дорилмон қуларга қиёс қиламан. Эҳ-ҳе, Мустақиллик йиллари юртимизда қандай катта ўзгаришлар бўлди, ҳар бир соҳада катта ютуқларга эришилди.

фатидир. Истиқлолнинг нақадар бебаҳо неъмат эканлигини юракдан ҳис этиб, қалбим фар-ифтихор туйғуларига тўлади. Яқинда Америкада, икки йил олдин эса Германия, Францияда кўргазмаларим бўлиб ўтди. Ўтган йили Камолдидин Бехзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институтида дарс берган битирувчиларимнинг диплом ишларига раҳбарлик қилдим. Улар орасидан 15 нафар талаба диплом ишларини аъло баҳоларга топширишди. Мен бундан жуда хурсандман. Ёшларнинг тасвирий санъатга бўлган қизиқишлари, иқтидорлари баланд. Улар бугунги кунда ўз асарлари билан кўргазмаларда иштирок этишмоқда.

Келгусидаги режаларим ҳам бисёр. Президентимизнинг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» Қарори мувофиқ мен қадрдон ва навиқрон она юртим Тошкент, Эски

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

МАЪЛУМКИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИ «НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида» Қўшма ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛГАН ЭДИ.

Ушбу қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича жамоат фонди, шунингдек, мазкур Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ташкил этилди.

қучайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қўшма қарор мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида олиб борилаётган кенг қўламли, тизимли, изчил ишларни амалга оширишда катта аҳамиятга эга бўлиши таъкидланди. ННТ фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳажмларини белгилаш, бу маблағларни тақсимлаш ва улардан фойдаланиш мониторинги билан боғлиқ масалаларни ижро этувчи ҳокимият органлари тасарруфидан мамлакат қонун чиқарувчи олий органи — Олий Мажлис тасарруфига берилиши мамлакатимизда энг юксак демократик қадриятлар ва тамойилларнинг амалдаги яна бир намойиши бўлди.

Тадбирда ННТ томонидан тақдиф этилган ва ҳудудларнинг аниқ ижтимоий-сийёсий масалаларини ҳал этишга, фуқароларнинг ижтимоий фаолигини оширишга, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган, аввало, ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни молиялаштириш заруриги алоҳида таъкидланди.

Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Ҳамза туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан «Алоқачи» ёзги болалар оромгоҳида уюштирилган адабий кеча ва концерт дастури «Ёз — ўтмоқда соз» деб номланди.

● «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»да уч кун давомида ўтказилган «Ҳиндистон мини технологиялари — 2008» кўргазмаси эртага ўз ниҳоясига етади.

● **ЧИЛОНЗОР** туманида янгидан қад ростлаган 2-тери-таносил касалликлари ва шаҳар сил касалликлари диспансерлари фойдаланишга топширилди.

● **ЎТГАН** кунни Ҳамза туман ҳокимлигида туман фаоллари, тадбиркорлар иштирокида ўтказилган бизнес семинар тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланди.

● «**ЁШЛИК**» талабалар шаҳарчасида «Ёзни «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида асфальтга расм чизиш бўйича уюштирилган кўрик-танловда болалар иштирок этишди.

● **РУМИНИЯНИНГ** Бухарест шаҳрида уюштирилган ёш пианиночилар халқаро кўрик-танловида биринчи ўринни қўлга киритган Успенский номидаги республика маҳсул мусиқа академик лицейи ўқувчилари Тошкентга қайтиб келишди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ташаббуси билан шаҳримизда мутахассислар иштирокида ўтказилган тадбирда рақамли телевидениени тақомиллаштириш учун Тошкент шаҳри ва Бухоро вилояти ҳудудлари танлаб олинганлиги таъкидлаб ўтилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясида вазириликлар, корхона-ташкilotлар матбуот хизмати фаолиятини янада яхшилаш масалаларига бағишлаб ўқув курси ташкил этилди.

● **РЕСПУБЛИКА** болалар бадиий ижодиёти марказида болалар томонидан тайёрланган миллий хунармандчилик буюмлари кўргазмаси уюштирилди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат иқтисодий-тўғри университетининг бакалаврият ва магистратура бўлимларини тугатган бир гуруҳ ёшларга дипломлар топширилди.

● **ИНВЕСТИЦИЯ** муассасалари миллий уюшмаси ташаббуси билан уюштирилган бизнес-семинар қимматли қўғозлар бозорини янада тақомиллаштиришнинг истиқболли йўналишларига бағишланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

МАЪЛУМКИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИ «НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида» Қўшма ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛГАН ЭДИ.

Ушбу қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича жамоат фонди, шунингдек, мазкур Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ташкил этилди.

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида ушбу қарорда белгиланган вазифаларни амалга ошириш йўлини ишлаб чиқиш, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ масалаларга бағишланган конференция бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчи-

(ЎЗА)

ГЕРМАНИЯДА «ЁШЛАР ЙИЛИ» ТАҚДИМОТИ

ГЕРМАНИЯНИНГ ҚҲИ САКСОНИЯ ФЕДЕРАЛ ҲЛАҚАДА ЖОЙЛАШГАН ВЕДЕМАРК ШАХРИДА МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ ТОМОНИДАН ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН «ЁШЛАР ЙИЛИ»ГА БАРИШЛАНГАН ТАҚДИМОТ БЎЛИБ ҲТДИ. МАЗКУР ТАДБИР ВЕДЕМАРК ШАХРИ МАЪМУРИЯТИ, ГЕРМАНИЯНИНГ «ЛОГО» ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН ҲЗБЕКИСТОННИНГ ФОРДАГИ ЭЪЛХОНАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Тақдимотда Қуйи Саксония парламенти депутаты, Ведемарк шаҳар маъмурияти, «ЛОГО» жамияти, кенг жамоатчилик ҳамда маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари, шунингдек «ЛОГО» семинарларида иштирок этган ҳамда Қуйи Саксониянинг олий ўқув муассасаларида тахсил олаётган ўзбекистонлик ва германиялик ёшлар иштирок этди.

«ЛОГО» жамиятига 1995 йили асос солинган. Унинг асосий фаолияти қишлоқ ҳўжалигини бошқаришнинг экологик услўбларини ҳамда Марказий ва Шарқий Европада ўсимликларни химой қилишнинг табиий воситаларини ривожлантириш ҳамда тарқатишга қаратилган.

Жамият қишлоқ ҳўжалиги тармоғи ёш мутахассисларининг малакасини ошириш ва ўқитишга кўмак кўрсатиш мақсадида Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари, шунингдек Ҳзбекистон ўқув муассасалари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жорий йилда «ЛОГО» семинарларида Ҳзбекистоннинг турли минтақалари олий ўқув юр்தларида тахсил олаётган 40 нафардан зиёд ёш мутахассис иштирок этмоқда.

«ЛОГО» раиси Хартвиг Меннен тадбирни очар экан, Ҳзбекистон ёшлари ҳақида ўз таассуротлари билан ўртоқлашди. Унинг фикрига кўра, юртимиз аҳолилари ўзининг анёқ мақсад сари иштирокчилиги ва тиришқоқлиги билан семинарнинг бошқа иштирокчиларидан алоҳида ажралиб туради.

«Қуйи Саксония — тоза биологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш механизми кенг жорий этилган, шунингдек мобил энергия манбаларидан фойдаланиш келинмаётган Германиянинг ривожланган ўлкаларидан бири ҳисобланади», — дейди мазкур федерал ўлка парламенти депутаты, Ведемарк шаҳри маъмурияти раҳбарининг ўринбосари Эдита Лорберг жоним. — Мен Ҳзбекистон халқ ҳўжалигида ағрар тармоқнинг нечоғли муҳим аҳамият касб этишини яхши биламан. Германияда малака ошираётган ўзбекистонлик ёшлар ўз юртида мазкур соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшишига ишонаман. Шу маънода Ҳзбекистон қишлоқ ҳўжали-

ги соҳасида бой тажрибага эга эканини таъкидлашни истар эдим. Бугун биз «Ёшлар йили»га бағишланган аjoyиб ва бетакрор кечанинг гувоҳи бўлдим. Мен анчадан бўён Ҳзбекистонга сафар қилишни орзу қилиб келаман. Умид қиламанки, яқин келажакда сизнинг гўзал ва мафтункор юртингизни бевосита томоша қилишга мўяссар бўламан.

— Бизнинг Ҳзбекистон олий ўқув юр்தлари билан ҳамкорлигимиз 2000 йили бошланган эди, — дея қайд этади «ЛОГО» жамияти раиси Х.Меннен. — Илк ҳамкоримиз Самарқанд қишлоқ ҳўжалиги институти бўлди. Кейинчалик Тошкент Давлат ағрар университети, Тошкент мелiorация ва ирригация институти, Андижон қишлоқ ҳўжалиги академияси, Наманган ва Қаршидаги муҳандислик-иқтисодиёт институти каби Ҳзбекистоннинг қишлоқ ҳўжалиги соҳасига ихтисослашган бошқа ўқув юр்தлари билан ҳам яқин алоқалар ўрнатдик. Ҳзбекистонлик шерикларимиз билан ҳамкорлик доирасида асосий эътибор экологик тоза маҳсулотлар этиштириш бўйича тажриба алмашиш ҳамда иқлимга энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятларини ўрганишга қаратилмоқда. «ЛОГО» семинарларида Ҳзбекистонлик иштирокчилар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Ағар дастлабки йилларда уларнинг сони атиги 3-4 нафарни ташкил этган бўлса, ҳозирга келди бу миқдор 40 нафардан ошмоқда.

2008 йилнинг Ҳзбекистонда «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши ҳамда ёшларга бағишланган махсус Давлат дастурини қабул қилингани мамлакатимиз раҳбарияти томонидан ўсиб келаётган ёш авлодга катта эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Тадбир чоғида иштирокчиларга республикадаги ёшлар ҳаёти ҳақида хикоя қилувчи «Келажакка интилиб» ҳўжажатли фильми ҳамда ўзбек миллий қуй ва қўшиқларидан иборат баддий дастур намойиш этилди.

Шўҳрат УМИРОВ, «Жаҳон» АА муҳбири Берлин

Абитуриент — 2008

ҲАЯЖОНЛИ ДАМЛАР БОШЛАНДИ

ТАЛАБАЛИК - ОЛТИН ДАВР ДЕЙДИЛАР. АЛБАТТА, ҲАР БИР ИНСОН ЁШЛИГИДАН БИРОР КАСБ СОҲИБИ БЎЛИШНИ ОРЗУ ҚИЛАДИ. КЕЛГУСИДА НУФУЗЛИ ОЛИЙ ҲҚУВ ЮРТЛАРИДА ҲҚИШНИ, ТАЛАБА ДЕГАН НОМГА САЗОВОР БЎЛИШНИ НИЯТ ҚИЛАДИ. МАНА ҲОЗИРКИ КУНДА ЯНА ҲАЯЖОНЛИ ДАМЛАР БОШЛАНГАН ПАЛЛА. АБИТУРИЕНТЛАР ҲҲҲЖАТЛАРИНИ ҲЗЛАРИ ИСТАГАН ОЛИЙ ҲҚУВ ЮРТЛАРИГА ТОПШИРИШ БИЛАН БАНДЛАР.



Дарҳақиқат, мамлакатимиздаги барча олий таълим муассасаларида айни кунларда абитуриентлардан ҳўжажатлар қабул қилиш жараёни қизғин бормоқда. Ёшларнинг қалбини чекизиб ҳаяжон ағаллаган. Келажакда ўзлари орзу қилган соҳа эгаси бўлиш мақсадида олий ўқув юр்தига ўқишга кириб, чўқур билим олишга астойдил ният қилмоқдалар. Ҳзбекистон Давлат санъат институти олий ўқув юр்தлари орасида мамлакатимизда санъат соҳасида етук мутахассис кадрлар, санъатшунослар, кино ва театр актёрлари, режиссёрлар, операторларни этишти-

қилинмоқда. Айтиш жоизки, бу йил институт режа бўйича 205 та талабани ўз бағрига олади. Шулардан 72 нафари грант асосида, 133 нафари эса шартнома асосида ўқишга қабул қилинади. Шунингдек 15 та мутахассислик бўйича магистратура йўналишига магистрлар ўқишга қабул қилинади. Бу ерда санъатшунослик бўйича иқтисоди бўлган талабала таълим оладилар.Ушбу йўналишда тахсил олган магистрлар келгусида санъат йўналишидаги коллежлар, олий ўқув юр்தларида санъатшунослик бўйича ўқитувчилик фаолиятини олиб боришлари мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш керак бу йил институти грант асосида 65 нафар талаба, шартнома асосида 58 нафар талаба битирди. 1 август куни институтида иккита бандлик — она тили ва адабиёт ҳамда тарих фанидан тест имтиҳонлари бўлиб ўтди. 11 июлдан 25 июлгача эса абитуриентлар иккунли имтиҳондан ўтадилар. Ҳўжажатлар қабул қилиш 20 июлгача давом этади. Ҳозирда институтининг қабул жараёни самарали ташкил этилган. Абитуриентлар учун эълонлар соқилган ва шу жойда қабул комиссияси вакиллари керакли маслаҳат беришмоқда.

Институтида талабаларнинг ҳар томонлама чўқур билим олишлари учун барча шартшароитлар яратилган. Бу ерда 18 та установа, 2 та павильон, 1 та грим хонаси, 1 та ўқув театри, 13 та ўқув хоналари, 12 та яқка тартибдаги дарс ўтиладиган аудиториялар мавжуд. Уларнинг барчаси ўқитишнинг замонавий техник воситалари билан жиҳозланган (яна битта овоз эъиш студияси қурилмоқда). Талабаларга илмий салоҳиятга эга бўлган профессор-ўқитувчилар, фан докторлари, фан номзодлари амалий ва назарий билим берадилар. Мазкур институти битирган қўлга таникли актёрлар, режиссёрлар ҳозирги кунда Ҳзбекистон халқ артисти, Ҳзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонларига эга бўлиб театр ва кино санъатида муносиб ўрин эгаллаб, ўзбек санъати доирасидаги танитмоқдалар.

Яна бир янгилик, бу йил Президентимиз қарори билан қорақалпоқ миллий санъатини ривожлантириш мақсадида Нукус шаҳрида Ҳзбекистон Давлат санъат институтининг Нукус филиали очилди. Бу йил институтида илк бор талабалар қабул қилинади.

Ҳа, биз ҳам санъатимиз гулшанига йўл олаётган, қалбларида олам-олам орзу-мақсадлар ила талаба деган номга эга бўлишга ошқабатган абитуриентларга Ёшлар йилида омадлар тиланган ҳолда оидин орзуларига етишларини ниют қиламиз.

ДИЛОРОМ ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: Ҳзбекистон давлат санъат институтида абитуриентлардан ҳўжажатлар қабул қилиш жараёни қизғин бормоқда. Алексей Попов олган суратлар

ТЕСТ СИНОВЛАРИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ҲТДИ

МАЪЛУМКИ, ДАВЛАТ ТЕСТ СИНОВЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ОЛИЙ ҲАРБИЙ ҲҚУВ ЮРТЛАРИДА БОШҚА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ҚАРАГАНДА АНЧА БАРВАҚТ — 10 ИЮЛДА ҲТКАЗИЛАДИ.

Шундай таълим муассасаларида бири Тошкент Олий Умумқўшин қўмондонлик билим юр்தида ҳам ҳарбий бўлиш истагини билдирган ёшлар тест синовларини топширишди. Унда дастлаб табиий қўриқ ва жисмоний тайёргарлик бўйича имтиҳонлардан ўтган абитуриентлар тест синовларида иштирок этди. Мақтаб, коллеж ва ҳарбий лицейни тамомлаган ҳамда айни пайтда ҳарбий хизматни ўтаётган юрт ўғлонлари ўз билимларини синовдан ўтказишди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, олий ҳарбий билим юр்தларида давлат тест синовларининг 10 июлда ўтказилиши етарли балл тўплай олмаган ёшларга бошқа олий ўқув юр்தларига ҳўжажат топшириш имконини ҳам беради. Ҳар бир мамлакатнинг раванга, маъке аввало юрт фарзандларининг ҳар томонлама етук ва баркамоллигига боғлиқ. Бугун ўз билимларини синовдан ўтказётган ёшлар ҳам зиммаларидаги ушбу масъулятни астойдил ҳис этишларига ишонамиз.

Ушбу синов олий ҳарбий мутахассисликларни ўзлаштиришга жазм қилган ёшлар учун ҳаяжонли кечди, десак муболага бўлмайди. Имтиҳон топшираётган ёшлар учрасидаги мамнулик хеларини эртанги кунга ишончидан далолат. Бугун мустақул ҳаётида янги саҳифа очиб, тест синовларидан муваффақиятли ўта олган ёшлар келгусида қуролли қўчаларимизни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшади деган умиддамиз.

«Туркистон-пресс»



Туманларда МАҲАЛЛА ОБОДЛИГИ ЙЎЛИДА

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 17 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН ТУМАНЛАРДА КЕНГ КўЛАМДАГИ ОБОДОНЛАШТИРИШ, ОРАСТАЛАШ ВА БУНЁДҚОРЛИК ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Жумладан, Чилонзор туманидаги «Нақошлик» маҳалласида ҳам шундай ободонлаштириш ҳаёти бўлиб ўтди. Унда маҳалла аҳли, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими фаоллари, 1-Тошкент педагогика коллежининг 1-курс 105, 122, 124-гурӯҳлари аъзолари қатнашиб, болалар спорт майдончаси бўёқдан чиқарилди, спорт ва ўйин майдончалари супуриб-сидирилди, гуллар ўтказилди.

Ёшларга коллеж ўқитувчиларидан Ҳткир Талабов, Фатхулла Мирахмедов, Ҳринбой Бобоев, Эркин Мейлиев, Саид Шокиров, Қадамбой Ниёзимбетов, Жамшид Собиров ва Комилжон Абдуллаевлар намуна бўлиб, кўлларида белкуррак болта, бўёқ олган ҳолда ён-атрофларни чопдилар, тозаладилар, чиқиндиларни таҳсилдилар, болалар учун қўм ўйнайдиган майдончани тайёрладилар.

«Камолот» ЁИҲ туман бўлими ва коллеж маъмуриятининг бу йилги дастлабки ҳамкорлигидеги фаолияти бўлиб, маҳалла билан фаол ҳамкорлик узок вақтлардан бўён йўлга қўйилган. —Ўз фаолиятимиз мисолида ёшларни меҳнатсеварликка, чиникишга, ташкилотчилик кўникмаларига ўргатамиз, — дейди ўқитувчи Ҳткир Талабов. —Ўз маҳалласи, юртин овод қилувчи ёшлардан ўйлаймизки, келгусида ҳақиқий ва-тандарларлар етишиб чиқади.

(Ўз муҳбиримиз) СУРАТДА: «Нақошлик» маҳалласида ўтказилган хашардан лавҳа

Олий ўқув юр்தларида ҚУТЛУФ САНАГА МУНОСИБ ТАЙЁРГАРЛИК

ЮРТИМИЗДА МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАН ЙИЛЛАРНИНГ БОШИДАЁҚ ЮРТБОШИМИЗНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН ТАЪЛИМ СОҲАСИНИ ТУБДАН ИСЛОҲ ҚИЛИШ, ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР КўЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР БЕРИЛА БОШЛАНДИ. ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИМИЗ ОБРЎСИНИ ОШИРИШ, УНИ ЖАҲОНДАГИ НУФУЗЛИ ҲҚУВ ДАРГОҲЛАРИ ДАРАЖАСИГА ОЛИБ ЧИҚИШ БОРАСИДАГИ САЪ-ҲАРАКАТЛАРИ ҚУВОНАРЛИДИР.

ятлари катта. Шу маънода 21 нафар ақдемик, 225 нафар фан доктори ва профессор, 575 нафар фан номзоди ва доцент, 211 нафар катта ўқитувчи, 219 нафар ўқитувчи ва ассистент университетини ҳар жиҳатдан жаҳоннинг энг илгор олий ўқув юр்தлари даражасига кўтариши лозимлигини яхши тушунади. Ҳозирда олиб борилаётган барча ишлар айнан мана шу мақсадга қаратилган, десак муболага бўлмайди.

Университетнинг 90 йиллигини нишонлашга оид тадбирлар режаси «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар билан ҳамохандир. Яъни, фотоальбом тайёрлаб, тақдимоти ўтказиш, университет янги музейини очиб, нодир китоблар ва қўлёзмалар, манбалар кўргазмаларини ташкил этишга ҳозирлик қўрилмақда. Факультетларда «Таълим жараёнини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» мавзюида илмий-услубий анжуманлар, факрилар ва устозлар билан талабалар ўртасида «Икки авлод учрашуви», «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» марказида, Тошкент шаҳар олий таълим муассасаларида «Ҳзбекистон миллий университети — илм-фан ўчоғи» мавзюида анжуманлар ўтказилди. Юбилейга бағишланб «Ёшлик» талаба-

лар шаҳарчаси спорт майдонларида профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшлар ўртасида спорт ва маданий тадбирлар уюштирилди.

Юбилей муносабати билан шу йил август ойида «Мамлакатимиз олий таълим тизими ва илм-фани ривожига Ҳзбекистон Миллий университетининг роли» мавзюида халқаро конференция, сентябрь ойида «Ёшлар бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир» шiori остида мамлакатимиз олий ўқув юр்தлари талабалари фестивали ўтказилди.

Хуллас, Мирзо Улугбек номидаги Ҳзбекистон Миллий университетидаги ҳар бир илм кишиси қалбида айни пайтда ўзгача қувонч, фахр ҳисси ҳукм сурмоқда. Муборак айёмга ҳар ким ўз ҳиссасини қўшишга энг шимарган. Эрта тондан олий даргоҳ кўчаларини тўлдириб ободончилик ишларини, дастурлар ва режалар асосидаги амалларни бажаришга киришганлар. Зеро, салкам бир асрлик умр кўрган Миллий университет бағридаги ҳар бир инсон уни навқирон олий таълим муассасалари ичида энг замонавий даргоҳ сифатида намунали ўринга эга эканлигини ҳис қилади. Ҳурида КОДИРОВА, ҲЗМУ аспиранти

Мавнавият — ақ кўзгуси

Санъатнинг сеҳрли олами

МЎЙҚАЛАМДА ОНА ЮРТ МАДҲИ

МАМЛАКАТИМИЗДА САНЪАТНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИДА ИЖОД ҚИЛАЁТГАН, БЕТАҚРОР АСАРЛАР ЯРАТИБ, МУХЛИСЛАР ЭЪТИБОРИНИ ҚОЗОНАЁТГАН МЎЙҚАЛАМ УСТАЛАРИ КЎПЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. РАССОМ ҲАР ДОИМ ҲАЁТНИ ВА ТАБИАТНИ КУЗАТИБ, ИЛҲОМ ОЛАДИ ВА АСАР ЯРАТАДИ. БОРЛИҚДАН, ТАБИАТДАГИ ГЎЗАЛЛИҚДАН ЗАВҚЛАНИБ ТАЪСИРЛАНАДИ.


Ёш, иқтидорли рассом Дилором Мамедованинг она табиат манзараларидан илҳомланиб яратган рангтаъбир асарлари ҳам санъат илҳомдорларини ўзига жалб этмай қўймайди. Ёшлигидан рассом бўлишни орзу қилган Дилором 8-синфни битиргач Республика рассомчилик мактаб-интернатига ўқишга қиради. Мазкур ўқув масканини тамомлагач Камолитдин Бехзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институтига ўқишга кириб, у ерда таниқли рассомлар, санъатшунослардан сабоқ олди. Билим ва малакасини ошириб, тинмай ишлаб, ижод қилди. Айтиш жоизки, Дилором яратган асарларнинг асосий мавзуси она -Ватан, ўзи туғилиб ўсган жонажон Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисми манзаралари, тарихий жойлар бўлиб, уларни кузатиб, мўйқаламда акс эттириш унга завқ бағишлайди. Ватан мавзуси, тарихий жойларни, она табиат манзараларини моҳирона акс эттириб келаётган таниқли ёш рассом асарлари бугунги кунда атоқли мусаввирлар томонидан яхши баҳолашиб келмоқда. Дилоромнинг бугунги кунгача

20 дан ортиқ кўрғазмалари санъат шинавандаларига на-



моийш этилган. Институтнинг иккинчи курсида ўқиб юрган вақтларидаёқ биринчи кўрғазмаси бўлиб ўтган. Дилором устозлари Неъмат Қўзибоев, Бахтиёр Бобоев, Алишер Мирзаев ва Акмал Нур сингари таниқли рассомлардан сабоқ олди, уларнинг берган маслаҳатларидан амал қилиб, яхшигина рассом бўлиб етишди. Тинмай

ўқиб, ишлайиш жараёнида унинг ижоди сайқаланиб борди.



Ҳозиргача рассомнинг 7 та шахсий кўрғазмаси намойиш этилган. 1998 йилда Ўзбекистон Бадий академияси Ёш ижодкорлар уюшмасига, 2003 йилда эса Ўзбекистон Бадий Академияси Рассомлар уюшмасига аъзо бўлди. Булар албатта ёш иқтидорли рассом Дилором Мамедованинг ижоди ва истеъдодига берилган муносиб

ди. Рассомнинг «Кўёшли ҳовли», «Эски шаҳар», «Тор кўчалар», «Қишлоқ манзараси», «Ховуз бўйида», «Гилон қишлоғи» сингари асарлари айниқса санъат илҳомдорлари диққатини ўзига тортти келмоқда.



— Дилором истеъдодли, умидли рассомларимиздан, — дейди Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нур. — Баъзи бир рас-

сом бўламан деб юрган ёшлар ижод жараёнида қоқилса ўзини ўнглаб олиши қийин бўлади. Дилором эса қоқилса ҳам ўзини тез ўнглаб ола олади. Иродали, ўз мақсади сари интилувчан рассом. Шунинг айтиши керак, у тиним билмай ишлаб, янгилик ахтариб, ижод қилади. Бир зум тўхтаб қолмайди. Ҳеч қачон тушқунликка тушмайди, хатосини айтганда тўғри қабул қилади. Доимо устозларидан маслаҳат сўрайди. Бугунги кунда у ўз йўлини топиб олди, бундан хурсандман. Ижоднинг асосий қисми Тошкент, Эски шаҳар кўринишларидан иборат бўлсада, кейинги вақтларда яратган қишлоқ манзараларини ҳам ёрқин бўёқларда чиройли рангларда акс эттира олган. Албатта, истеъдодли рассом Дилором Мамедованинг умидимиз катта. Кел-



гусида яна ҳам яхши асарлар яратишига, таниқли рассомлар каторидан ўрин олишига ишонаман. Дарҳақиқат, санъатнинг сеҳрли оламида илҳом билан ижод қилаётган, бетакрор ва тиник рангларда жозибали рангтаъбир асарлар яратган, ўзбек тасвирий санъатини жаҳонга танитишда муносиб ҳисса қўшаётган мўйқалам устаси Дилором Мамедованинг ижодига биз ҳам юксак парвозлар тилаймиш.

Дилором ШОКИРОВА СУРАТЛАРДА: истеъдодли рассом Дилором Мамедова ва у яратган асарлардан намуналар

Бой Адабий Меросимизни ЎрганаЙлик

БОБОКАЛОНИМИЗ АЛИШЕР НАВОЙЙ ЎЗ АСАРЛАРИДА АРАБИЙ СЎЗЛАРНИ ЎРНИДА МОҲИРЛИК БИЛАН ИШЛАТГАНЛАРИКИ, МАТНИ ЭЪТИБОР БИЛАН ЎҚИЛСА УНИНГ МАЪНИНИ ТУШУНАРЛИ БЎЛАДИ, ҚОЛАДИ. БИЗНИНГ ДАВРИМИЗГА КЕЛИБ АРАБИЙ СЎЗЛАРНИ ТУШУНИШ АНЧА ҚИЙИНЛАШИБ ҚОЛДИ. БИЗ ЭНДИ АЛИШЕР НАВОЙЙ АСАРЛАРИНИ ЛУҒАТСИЗ ТУШУНАЙМИЗ.

Аслида биз арабий сўзларни билиб-билмай кўп ишлатамиз. Масалан, оқибат сўзини натижа сўзи ўрнида ишлатамиз, талаб этилади бирикмасини лозим бўлади ўрнида ишлатамиз. Шунингдек, катнашапти ўрнида иштираётган, келди ўрнида ташриф буюрди, чаккирд ўрнида тақдир қилди ва бошқа кўпгина ўринларда арабий сўзларни кўр-кўрона ишлатамизки, бу билан ўзимизнинг ўзбек адабий тилимиз меъёрини бузаётганимизни сезмай ҳам қоламиз.

Тўғри, ҳозирги адабий тилимизда арабий сўзлар жуда кўп (30 фоизга яқин), гап уларни жойида ва тўғри ишлатишда кетаяпти. Арабий сўзларни тўғри ишлатиш учун уларнинг маъносини билиш лозим бўлади. Бунинг учун кўпроқ китоб ўқиш керак. Бизнинг ота-боболаримиз араб, форс тилларини ҳам она тилида билган. Буюк маърифатпарвар Махмудхўжа Бехбудий айтганларидек уч тили яхши билган ота-боболаримиз Европа тилларини ҳам ўрганишган.

Араб ёзуви ва араб тилининг қийин ёки мураккаблигига келсак, бошқа ёзув ва тилларни ўрганишдан анча осон ва қулайроқдир. Унинг осонлиги шундаки, алифбони ўрганиш давомида грамматик қоидалар ҳам ўргатиб борилади. Араб тили ва араб ёзувидаги сўзлар ёдда қолади. Шунинг учун араб ёзувидаги сўзларни ҳарфлаб ўқишга ҳожат ҳам қолмайди. Араб ёзуви ва тили қийин бўлганда эди, доно ота-боболаримиз уни ўрганишга ва юқори даражаларга эришмаган бўлур эди.

Мана ҳозир мустақиллик даврида яшаймиз. Қувонарлики иқтидорли ёшларимиз дунёга танилмоқда. Лекин улардан биронтаси Ал-Хоразмий, Ал -Беруний, Абу Али ибн Синонинг асарларини араб тилида ўқий оладими? Йўқ, албатта. Чет элда эса араб тилида ўқишди, ўрганишди. Бизда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти фондида сақланаётган минг-минглаб том китобларни қачон ўқиб, ўрганиб, таржима ҳам қилиб халқимизга, бутун дунёга етказишди. Бунинг учун албатта араб тилини мукаммал биладиган мутахассислар керак бўлади. Бу йилмиш Ёшлар йили деб номланган экан, истардики, ёшларимиз буюк аждодларга муносиб фарзандлар бўлиб етишса, уларнинг меросини ўрганишса. Шунда улар фақат Алишер Навоий асарларини эмас, араб тилида ва араб ёзувидаги барча тарихий ва илмий меросимизни ўқиб ўрганишган бўлур эди.

Абдусамат ХўЖАНОВ, Алишер Навоий номидаги республика нафис санъат йўналишидаги мактаб-интернат ўқитувчиси

ОДОБ ЗИЙНАТИ

Авалло меҳмон кутиладиган уй озода ва саранжом-саришта ҳолга келтирилади. Ҳар бир зиёфат, байрам, «гап», ифторлик ва куда чақирқ дастурхонлари ўзига хос усулда тузалади.

Шунинг учун хонадонга ташриф буюрадиган кишилар эътиборга олинади. Келадиган меҳмонлар ёши улуг қариялардан иборат бўлса, хонтахта қўйиб, атрофига қўрпачалар солинади ва сунъадиган юмшоқ пар ёстиқлар қўйилади. Агар хонадонга яқин дўстлар — ёки қариндош-уруғлар ташриф буюрса, уларга стол ва стулдан иборат дастурхон безалади. Ёзилгандан дастурхон чиройли ва озода бўлиши лозим. Дастурхонни коса ва чойнак қўйилгудек жой қолдирмай куруқ ва хўл мевалар билан, хар хил ширинликлар ва пиширилклар билан тўлдириб ташлаш меҳмоннавозлик белгиси эмас. Ҳар бир стул каршисига ичига сочик ва санчки солинган бўш ликопча қўйилади. Дастурхонга тортилган ширинликлар, ёнғоқ, хандониста, бодом, майиз ва туршак каби куруқ мевалар меҳмонлар учун қулай жойга қўйилади. Хўл меваларни вазада қўйган маъқул. Қовун ва тарвузлар фаслга қараб пўчоғи арчилган ҳолда қўйилади. Меҳмонлар келишдан олдинроқ мезбонлар тоза ва озода кийимларини кийиб олишлари муҳимдир. Ўз уйимдан, деб бир ахволдаги кийимда юриш меҳмонларга нисбатан ҳурматсизлик ҳисобланади. Эракларнинг пажамда юришлари ҳам одоб доирасига сиймайди. Меҳмонлар келгач биринчи навбатда иссиқ чой берилади. Ундан кейин иссиқ сомса, суяк ва қуюқ овқатлар тортилади. Меҳмонларга бериладиган таомларни имконияти бўлса, торт ёки музқаймоқ билан яқунлаш мумкин.

Меҳмондорчиликда мезбоннинг ҳам, меҳмоннинг ҳам ўзига хос вазифалари бор. Мезбоннинг вазифалари: Дастурхонда ҳамма нарса мухайё бўлса-ю, мезбон яхши муомала қилмаса ёки чехраси тунд ҳолатда бўлса, бундай меҳмондорчилик меҳмонларга татаймайди. «Очк юз—ошдан ширин». Шунинг учун ширин сўзи бўлиб, очк чехра билан меҳмон кутиш меҳмондорчиликнинг асосий шартларидан биридир. Хар қандай меҳмон ширин таом учун эмас, ширин калом учун келади. Меҳмоннинг кўнгли шунчалик ноизикки, мезбон унинг кўнглига қарамай

ОДОБ ЗИЙНАТИ

бўлса-ю, мезбон яхши муомала қилмаса ёки чехраси тунд ҳолатда бўлса, бундай меҳмондорчилик меҳмонларга татаймайди. «Очк юз—ошдан ширин». Шунинг учун ширин сўзи бўлиб, очк чехра билан меҳмон кутиш меҳмондорчиликнинг асосий шартларидан биридир. Хар қандай меҳмон ширин таом учун эмас, ширин калом учун келади.

Меҳмоннинг кўнгли шунчалик ноизикки, мезбон унинг кўнглига қарамай чта бўлса, улар орасида вақтни шароитга қараб тўғри тақсимлаш зарур. Халқимизда яна «Келиш меҳмондан, кетиш мезбондан» деган гап бор. Лекин меҳмон кетишга ижозат сўраса, унинг раёйига қараган маъқул. Қиш фаслида меҳмонларнинг устки кийимларини ечиш ва кийинишларига ёрдамлаш лозим. Ёгингарчилик вақтида меҳмонларнинг пойабзалларини ювиб, тоза-лаб қўйилса, уларнинг кайфиятлари кўтарилиб, димоғлари чоғ бўлади. Хайрлаш вақтида «Жимжит бўлиб кетманг, болаларни олиб тез-тез келиб туринг», «Кўнги-роқлашиб турайлик» каби сўзлар яқинлик ва самимийлик белгиси ҳисобланади.

Меҳмоннинг вазифалари: Меҳмоннинг энг асосий вазифаларидан бири кўрсатилган жойга ўтириш. Агар меҳмон деразага қараб ўтирса, ҳовлида хизмат қилиб юрган хотин-қизлар ва келинларга кўзи тушиши мумкин. Уларни хижолат қилмаслик учун деразага тескари ўтириш ёки дераза пардасини тушириб қўйиш лозим. Меҳмоннинг «Мен ундай таом ейман, бундай таом истеъмо қилмайман» каби сўзларни ишлатиши ўта маданиятсизликка қиради. Тортилган таомни паства уриш, «тузи паст ёки шўр, тагига олган, нўхоти пишмаган, қари мол гўшти экан» каби сўзларни ишлатиш мумкин эмас. Бир неча кун оқ қолган одамдек ютук овқатланмаслик лозим. «Меҳмон мезбонга азиз, мезбон меҳмонга». Шунинг учун уртада кўнгли қоладиган ёки дилга ботадиган гина-қудурат гапларнинг бўлмаслигига эришиш керак. Чекадиган меҳмон сизгетани уйдан ташқарига чиқиб чекиб келиши лозим. Хонадонга қадам қўйган ва кетадиган вақт оралигининг мезбонларга оғир тушмайдиган ва оила аъзоларини ортикча безовта қилмайдиган ўртача меъёрини билиш, таом тайёрлаган хонадон соҳибларини самимий равишда мактаб қўйиш, кетаётган вақтда хонадон эгаларининг шаънига илқ сўзлар айтиб миннатдорчилик билдириш одобдандир.

АЛОҚА

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари, вазирлик ва идоралар, олий ўқув йорлари, жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, экология, демография, репродуктив саноатлик, қишлоқ хўжалик тадқиқотлари билан шуғулланувчи етук олимлар иштирок этдилар.

Маълумки, ҳар йили дунё мамлакатларида 11 июль Бутунжаҳон Аҳолишунослик куни сифатида нишонланади. Йилгилида сўзга чиққанлар репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш, аҳолишунослик, атроф-муҳит ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалаларининг ўзаро боғлиқлиги ҳамда иқлим ўзгаришининг демографик жиҳатларини муҳофаза қилдилар. Учрашувда таъкидланганидек, БМТнинг ҳисоб-китобларига кўра 2050 йилларга келиб Ер шарига 7,9-10,9 миллиард, эҳтимол 9,3 миллиард аҳоли яшайди. Бу оилани режалаштириш дастурларини бажариш самардорлиги билан боғлиқ. Айнан дунё аҳолисининг муттасили кўпайиши озиқ-овқат ва энергия ишлаб чиқарилишини, минерал ресурслардан фойдаланишни янада кўпайтиришни талаб этади. Бу эса биосферага кўрсатилаётган таъйикнинг ошиб боришига олиб келмоқда. Айтиш жоизки, айнан дунё аҳолини таъминлаш бўлаётган яна бир эътиборли масала, бу сони кўпайиб бораётган аҳолини етарли озиқ-овқат билан таъминлашдир. Шунингдек, иқлимнинг ўзгариши бевосита аҳолишунослик муаммоси, жумладан ёқилгининг ишлатилиши, озиқ-овқат ва сув таъминоти, тупроқ деградацияси, биохилмаҳилликнинг камайиши билан боғлиқ.

Ўзбекистон аҳолиси Марказий Осиё минтақасидаги аҳолининг 42 фоизини ташкил қилади. Республикада аҳоли сонининг кўпайиши табиий ўсиш, яъни туғилиш кўрсаткичлари юқори бўлганлиги билан боғлиқ ва бу кўрсаткич МДХ давлатлари орасида юқорилардан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда 30 ёшгача бўлган ёшлар аҳолининг 64 фоизини ташкил этади. Мамлакатимизда 2008 йил Ёшлар йили деб эълон қилиниши уларга бўлган эътиборни, жумладан репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш, экологик барқарорликни таъминлаш масалаларига бўлган эътиборни кучайтиради. Умуман мамлакатимизда аҳолишунослик ва атроф-муҳитнинг ўзаро боғлиқлигига катта аҳамият берилмоқда. Шунинг таъкидлаш керакки, мамлакатимизда инсон саломатлигига салбий экологик омилларнинг таъсири камайитириш борасида бир қатор лойиҳа ва дастурлар амалга ошириляпти. Гигиена, санитария ва атроф-муҳит муҳофазасига оид Ҳаракат дастурлари шулар жумласидандир.

Йилгилида табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш, аграр соҳасидаги самардорликни ошириш, қишлоқ хўжалигида табиий ресурсларни тежовчи технологияларни жорий қилиш борасида қатор тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди.

АЛОҚА

СЕРТИФИКАТЛАРНИ ҲАМ БЕРАДИ

ҲОЗИР ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО КАЛИТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ МАРКАЗЛАРИДАН ИККИТАСИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА.

Улар қаторига бу жараён билан шуғулланувчи нодавлат ташкилоти ҳам қўшилди. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳнома асосида «Муитисолт Соит инос» хусусий корхонаси электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш нодавлат марказига айлантирилди.

Эндиликда ушбу марказ электрон рақамли имзо воситалари қўлланилиши лозим бўлган ахборот тизимларида электрон тижоратини жорий этиш билан шуғулланади. Сертификатлар бериш ҳам амалга оширилади.

ҒОЛИБЛАР ОЛИЙ ДАРАЖАДА БЕЛЛАШАДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА КОМПЬЮТЕР ҲАМ ИЛМНИНГ БЎЙИЧА ЎЗБЕКISTON ЧЕМПИОНАТИНИ ЎТКАЗИШ ЯХШИ АНЪАНАГА АЙЛАНИБ ҚОЛДИ. БУ САФАРИ ОЛТИНЧИ ЧЕМПИОНАТ ҲАМ КАТТА ТАЙЁРГАРЛИК БИЛАН УЮШТИРИЛДИ.

Шу муносабат билан ташкил этилган анжуманда бу йилги чемпионат ғолиблари жаҳон чемпионатининг финалига йўлланма билан тақдирланишлари таъкидлаб ўтилди. Германиянинг Кёльн шаҳрида уюштирилган мусобақалар компьютер ўйинларининг олий даражадаги босқичи бўлади. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги «Ўзбек-телеком» акциядорлик жамияти ҳамда «Инфо КОМ. Уз» журнали томонидан ўтказилган Ўзбекистон чемпионатининг ҳақиқий кучли компьютер усталари иштирокида ўтганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиздир.

КОМПАНИЯНИНГ ЯНГИ ХИЗМАТ ТУРИ

«РАУНЕТ» КОМПАНИЯСИ ВА УНИНГ ЖОЙЛАРДАГИ ШОХОБЧАЛАРИ ТОМОНИДАН АҲОЛИГА ҚУЛАЙ ХИЗМАТ ТУРЛАРИ КЎРСАТИЛМОҚДА. МОБИЛ АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ҲАМ ЯНГИ ҚУЛАЙЛИКЛАРГА ЭГА БЎЛАДИЛАР.

ТАФАККУР ГУЛШАНИ

Инсон мансаби ёки бойлиги билан эмас, меҳр-оқибати, садоқати, одамийлик фазилатлари, бағрикенглиги билан қайр ва ҳурмат топади.

Ўз соясидан қўрққан дўстдан яхшилик, оқибат кутиш рўёбга чиқмайдиан орзуа ўхшайди.

Ростгўйлик яхши сифат, аммо ростгўй одам тез аданади. Чунки бошқаларни ҳам ўзи каби тўғри деб билади.

Яхшиликка ёмонлик, меҳрга бемехрлик, оқибатга оқибатсизлик ўз қадрини билмаган одамларда учраб турадиган хавфли касалликдир.

Сенинг ютугиндан хурсанд, нохушлигингда ҳамдард дўст чин дўстдир. Сенинг ютугингни камситадиган, нохушлигингга бефарқ дўст... дўст эмас, буқаламундир.

Ўз манфаати йўлида ўз дўсти пок руҳини безовта, оиласи номини бадном қилишга уринган «дўст» эмас, душмандир.

Ўқши илм ва билимининг онаси ва отаси, тажриба эса устоздир. Улар инсонни камолот чўққисига етаклайди, эзуликка чорлайди.

Инсонни камолот чўққисига етказадиган нарса илм,

билим ва тажрибадир. Уларни ўқитувчи, устоз ва китоб мустаҳкамлайди.

Зоҳирий ва ботиний илм инсон учун бадан ва руҳ кабилдир. Уни ўрганиш орқали инсоннинг бадини ва руҳи соғлом, камоли юксак бўлади.

Илм ва маърифат нури ила эътиқод, иймон, билим кучайди.

Инсон ҳар қандай олий ўқув юртини тугаллаши мумкин. Аммо, у ҳаёт университетини ҳеч қачон тугата олмайди, чунки унинг сабоқлари чексиз ва туганмасдир.

Табиат билан инсон ўртасида узвий ўхшашлик бор. Ҳар икковиди ҳам донолик, бешафқатликни кўриш мумкин.

Шўқур ТЕМУРОВ

Акбар АЛИЕВ



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ ХИКМАТЛАР

Низо қилиш ҳақида сенга фатво берсалар-да, тажрибадан ўтиб синалган киши билан низо, баҳс ва мунозара қилишдан сақлан.

Одамнинг сиртию ботини тўғри, саломат ва тузук бўлса, унинг зохири ҳам сахий ва салим бўлур.

Агар тилингнинг ортиқча сўзлашига эга бўла олмасанг, унда тизгининг жиловини шайтонга топширган бўласан.

Одамлар ичидаги энг ярамаси хасисидир, уларнинг ичида энг ялқови — пасткашидир.

Пора фақат ноҳақлигу золимларга ёрдам бергувчидир.

Жангу жадал ахллари гоҳ шодлигу гоҳ халфиқда бўладилар.

Сизлар бир-бирингиз билан дўстсиз ва бир-бирингизга азизсиз, ваҳоланки бу бошингизга бирон-бир хасталик, очлик ва бошқа баъзи мусибатлар тушмаган пайтдадир.

Агар ифат ва викор сохибларидан бўлсанг, хору зорлик, таҳқиру тубанликка мудом гирифторсан.

Қайсики, молу мулкнинг закотини берсанг, унинг хайру баракати кўп бўлади.

Кўпчилик одамлар ҳақиқатдан йироқдир, уларнинг талаб ва даъволари ёлғону бутилдир, яъни айтган сўзларию ишлари ўзлари га мувофиқдир.

Одамларнинг энг азиз ва ҳурматлилари қайғу-ҳасрату ташвишли дамларда билинур, гўеки бу ташвишлар улар учун туғишган опасингилдек яқиндир.

Ёмон фикр сохиблари ҳам, куфр неъмат қилувчилар ҳам ёввойи қобонлар мисоли Оллоҳ таолонинг мағфиратидан йироқдилар.

Устинга кексалик кийими ташланган бўлса ҳам, бироқ сен узоқ умр кўриш таъмасида янги-янги кийимлар киймоқдасан.

Ёмғир сероб ёққан сувли ерга экиладиган уруғлик бўлма, чунончи, бу ҳол хазинада турган бугдой мисолидир.

Низо ва нифоқ мавжуд жойда ноҳушлик бўлар, қайғу-ҳасрату фақирликка тушилур.

Савдогарнинг шуҳрати ва обрў-эътибори кимсасида, олимнинг шуҳратини обрў-эътибори ёзган китобларида.

Ўзинга мерос қолдириладиган мол-мулкдан узоқда бўл, чунки у мол-мулкнинг гуноҳию барча машаққатлари сенга келади.

Ижтимоий йўналишдаги Республика махсус гимназияси томонидан 2005 йилда, Юлдашев Максуд Олимджанович номига берилган О'Р-Ш № 0265591 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги 2-сонли академик лицей томонидан 2006 йил 8 июлдаги Сайдалиев Нуриддин Хусниддинович номига берилган О'Р-№ 0540461 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ёшлар — келажакимиз

ЧЕМПИОНЛИК ТОЖИ МУБОРАК

ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОДНИНГ ЖИСМОНИЙ ВА МАЪНАВИЙ САЛОМАТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИГА ИНТИЛИШ ВА СПОРТГА МЕҲМУҲАББАТНИ СИНГДИРИШ БОРАСИДА ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИБ БЕРИШ, БОЛАЛАР ОММАВИЙ СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ, ВАТАНГА МУҲАББАТЛИ, КЕЛАЖАККА ИШОНЧИ БОР, БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯЛАШ, БОЛАЛАР ОРАСИДАН ИСТЕЪДОДЛИ СПОРТЧИЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ВА УЛАР ҚОБИЛЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА КЎМАК БЕРИШ МАҚСАДИДА 2002 ЙИЛНИНГ 24 ОКТЯБРИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА» ГИ ФАРМОНИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.

Ушбу Фармон болалар спортини ривожлантириш, ўқувчи-ёшларини жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шугулланишга оммавий жалб этиш, умумий ўрта таълим тизимини такомиллаштиришнинг муҳим вазифаси — 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастурининг ажралмас қисми сифатида янги йўналиш очиб берди.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, болалар спортини аниқ мақсад йўлида ва барқарор авж олдириш борасида кўплаб хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан биргина пойтахтимизнинг ўзида болалар спортини ривожлантириш мақсади билан 14 та янги спорт мажмуаси қуриб ишга туширилди, 4та спорт мажмуаси қурилишига ҳомийлик қилинди. 2та умумтаълим мактабларига қўшимча спорт заллари қурилди. Мактаб ва маҳаллалар қошидаги жами 21 та спорт майдонлари қайта таъмир-лаб берилди.

Бугун ёш авлоднинг жисмонан соғлом, маънавий етук, баркамол инсонлар бўлиб вояга етишига қаратилган саъй-ҳаракатлар ўзининг дастлабки натижаларини бермоқда десак асло муволафа қилмаган бўламиз. Жаҳон майдонида манаман деган спортчилар билан белалол елка олишиб, мустақил Ўзбекистонимиз номини шарафларга буркаб, чемпионлик тожини


кийиб қайтаётган спортчи ёшларини юрагимизни гурурга тўлдириб, меҳнатларимиз самарасини бутун дунёга кўз-кўз қилмоқда.

Биз юқоридagi фикрларни бежизга келтирмадик. Яқинда W.A.S.CO—Бутун жаҳон жанг санъатлари маркази Венецияда спортнинг таъкидланган тури бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионати мусобақаларида юртимиздан қатнашган 7 нафар спортчимизнинг ҳам чемпионлик камарини белга боғлаб олтин медаллар шодаси билан қайтишининг ўзи болалар спортига бўлган эътиборнинг қай даражада ошиб бораётганини кўрсатиб турибди.

—Ушбу мусобақаларда ҳаммаси бўлиб 7 нафар истеъодли, ҳаракатчан, галаба қозонишга астойдил бел боғлаган спортчиларимиз қатнашган эдилар, — дейди биз билан сўхбатда Ўзбекистон Республикаси Тазқвандо (ИТФ) миллий ассоциациясининг бош қотиби Музаффар Зоитов. — Уларнинг ҳаммаси чемпион бўлиб, Ўзбекистонимиз байрогини янада баланд кўтаришди. Галаба қозонишнинг ўзи бўлмади, ахир дунё бўйича 53 та давлатлардан келган етук спортчилар билан бел-

лашиб учун тажриба ҳам, куч-ғайрат, иқтидор, омад ва заҳматли меъмо ҳам жуда асосди. Умумжамоа ҳисобида эса 2-ўринни эгалладик. Албатта, бундай юқори натижаларга эришишимизга маънавийликда ёш авлод камолоти ва

спортга бўлган эътиборнинг ортиб бораётгани асосий омил бўлмоқда. Мана шундай эътибор ва ғамхўрлик туфайли бугун юртимизда спортнинг фақатгина таъқвандо тури билан 100 000 дан ортиқ ёшларимиз шугулланмоқда. Спортнинг бошқа турлари билан ҳам шугулланаётган ёшлар санининг кундан кунга ортиб бораётгани эса соғлом турмуш тарзи йўлидаги ҳаракатларимиз бежиз кетмаётганидан далолатдир. Айти



Музаффар Зоитов ва Шохруҳ Шерматов деб таништирилган йигит. — Шундай нуфузли мусобақа катта тазқвандо бўлишида мураббийимизнинг заҳматли меҳнатлари, талабчан ва қаттиққўлликлари жуда кўл келди.



қунарда юртимизда биринчи марта таъқвандо (ИТФ) бўйича 17-19 сентябрь кунлари бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати мусобақаларида катта тайёргарлик кўрмоқдамиз. Насиб эса чемпионларимиз сафи янада ортади.

Юзларида қаттиқ ва фахру гурур балқиб, галаба нашидасидан мағрур турган спортчи йигитлар сўхбатимизга қўшилишди.

—Устозимиз Музаффар Зоитов ҳам ушбу мусобақада катнашиб иккинчи марта жаҳон чемпиони бўлдилар, — дейди ўзини Шохруҳ Шерматов деб таништирилган йигит. — Шундай нуфузли мусобақа катнашиб голиб бўлишимизда мураббийимизнинг заҳматли меҳнатлари, талабчан ва қаттиққўлликлари жуда кўл келди.

—Чемпион бўлишимизнинг ўзи кишига катта масъулият, шу билан бирга олам-олам гурур бағишлайди, — дейди Шерзод Ҳакимов. — Айтмики Ўзбекистонимиз байроғи баланд кўтарилиб давлатимиз мадҳияси янграганда кўларимизда секин-секин ёшларимизнинг кўзи ойна

юртимизга қайтишимиз, қувончимизни яқинларимиз билан баҳам кўргимиз келди.

Худди шундай фикрларни жаҳон чемпионлари сафидан ўрин олган Фахриддин Носиров, Бобирмирозо Қодиров, Саидзим Баҳромқўжаев ва Бахтиёр Исроиловлар ҳам билдиришди. Биз улар билан дилдан сўхбатлашар эканмиз кўнглимиз қувончга тўлди, келажакимиз ишончли кўларда эканига иймон келтирдик.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, ёшларни хориждаги мусобақаларга жўнатишдан қўзланган мақсад, спортчиларимиз келтириётган шода-шода медаллар эмас. Энг аввало, фарзандларимиз кўнглида спорт орқали ўз орузларини рўёбга чиқаришга ишонч уйғотишдир. Қолаверса, хорижга бориб келган ёшларимиз қалбиди Ватанга бўлган муҳаббат, садоқат жўш уради, бизнинг ҳеч қандам кам эмаслигимиз ва кам бўлмаслигимизни юракдан ҳис қилишади. Зотан, давлатимиз, шаҳсан Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган илчил сиёсатининг мақсад-моҳияти ҳам ҳар томонлама баркамол, иродаси тобланган, мустақил дунёқарашли шакланган, онгу шуурида Ватанга садоқат ва эл-ортига меҳр-муҳаббат туйғулари жўш урган комил инсонларни вояга етказишдир.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: жаҳон чемпиони мусобақалари голиблари

Спорт янгиликлари

ҲАМИЮРЛАРИМИЗ КУМУШ МЕДАЛЬ СОҲИБИ

ИСПАНИЯНИНГ АЛЬБАСЕТЕ ШАҲРИДА ТРАМПОЛИН БЎЙИЧА ЎТҚАЗИЛГАН ЖАҲОН КУБОГИ МУСОБАҚАСИНИНГ БЕШИНЧИ БОСҚИЧИДА ДУНЁНИНГ ЭНГ КУЧЛИ СПОРТЧИЛАРИ ГОЛИБЛИК УЧУН КҮЧ СИНАШДИ.

Батутда синхрон сакраш беллашуварларида муваффақиятли қатнашган ўзбекистонлик спортчилар — Екатерина Хилько ва Анна Савкина иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медаль билан тақдирланди. Эслатиб ўтамуз, спортчиларимиз жаҳон кубогининг Швейцарияда ўтказилган тўртинчи босқичида учинчи ўринни эгаллаган эди.

«СУВ ПАРИЛАРИ» БЕЛЛАШДИ

ПОЙТАХТИМИЗДА СИНХРОН СУЗИШ БЎЙИЧА ЎТҚАЗИЛГАН МАМЛАКАТ БИРИНЧИЛИГИДА САКСОН НАФАРГА ЯҚИН ИСТЕЪДОДЛИ ЁШ СПОРТЧИЛАР ГОЛИБЛИК УЧУН КУРАШ ОЛИБ БОРДИ.

Ун икки ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги яқкалик беллашуварларида энг юқори балл тўплаган Анастасия Хабибулина биринчи ўринни эгаллади. Истеъодли спортчи жуфтлик беллашуварларида Севара Бобокўлова билан бирга голиблар сафини бошқарди.

13-15 ёшли спортчиларнинг яқкалик беллашуварларида Анастасия Здрайковская етадигани топилмади. У жуфтлик беллашуварларида Шоҳида Зо-

хидова билан бирга катнашиб, иккинчи мартаба шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

16-18 ёшли спортчилар баҳсида Анастасия Рузметованинг чиқиши ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди. Чемпион қиз жуфтлик беллашуварларида ҳам олтин медалга сазовор бўлди. Бу гал у жамоадoshi Динара Иброҳимова билан бирга энг юқори баллга сазовор бўлди.

«ПАХТАКОР» РЕЙТИНГДА КЎТАРИЛМОҚДА

GERMANYANING VISADEEN ШАҲРИДА ЖОЙЛАШГАН ХАЛҚАРО ФУТБОЛ ТАРИХИ ВА СТАТИСТИКАСИ ФЕДЕРАЦИЯСИ (IFFHS) ДУНЁДАГИ ЭНГ КУЧЛИ 350 ТА ФУТБОЛ КЛУБИНИНГ ЯНГИ РЕЙТИНГ ЖАДВАЛИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ.

Унга кўра, Ўзбекистон XVII миллий чемпионатида пешқадамлик қилаётган ва Осиё чемпионатлар лигасида чорак финалга йўлланма олган Тошкент шаҳрининг «Қурувчи» жамоаси 110 - поғонада қайд этилди.

Мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони ва кубогни соҳиби — «Пахтакор» (Тошкент) жамоаси эса жадвалда яна юқорилари. Аввалги рейтингда 121-поғонада қайд этилган пахтакорчилар бу гал тўрт қатор юқорилар, 117- ўриндан жой олди.

Халқаро тақвиротнинг умумий рейтингига эса Европа чемпионатлар лигаси ва Англия чемпионати голиби «Манчестер Юнайтед» етакчилиги қилмоқда. Шунингдек, «Челси» (Англия) ҳамда Германия чемпиони «Бавария» ҳам кучли уличка киритилган.

Боҳир БЕК

ЖАНГОВАР ДУРАНГ

МАМЛАКАТ XVII МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ БИРИНЧИ ДАВРАСИ СЎНГИ 15-ТУРИДАГИ МАРКАЗИЙ БЕЛЛАШУВ «ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА «ПАХТАКОР» — «ҚУРУВЧИ» ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ БАҲС ҲИСОБЛАНГАНИ ТАБИИЙ ҲОЛ.

Биринчи давра голибини аниқлаб берувчи ушбу муҳим баҳсда ҳар икки томон ҳужумкор, тезкор ўйин намойиш этди. Бирок, майдон марказида бироз устунликка эришган пахтакорчиларнинг рақиб дарвозаси томон уқошган ҳужумлари анча хавфли тус олаверди. Оқини, келма-кет уқоштирилаётган ҳужумлар самара бериши ҳам мумкин эди. Аммо, тақрибали дарвозабон Павел Бугало «Қурувчи» жамоасини бир неча бор муқаррар голлардан сараб қолди. Шу кунги «Қурувчи» таркибиди илк марта майдонга тушган чилилик легионер Венгелусанинг индивидуал хатти-ҳаракатлари туфайли ҳисоб очилди. 31-дақиқада айнан чилилик чарм тўп устаси «Пахтакор» дарвозасини аниқ нишонга олди. Иккинчи бўлимда майдонга туширилган Гейрих ажойиб комбинациялари билан ўз жамоаси ҳужумларини қўчайтирди. Аввалги 11 метрлик жарима тўпи ишлаган Гейрих пе-



налтини амалга ошира олган бўлсада, 57-дақиқада узоқ масофадан меҳмонлар дарвозасига аниқ зарба йўллади ва ҳисобни тенглаштирди. Ҳар икки томон галаба учун қанчалик ҳаракат қилишмасин ўйин охиригача 1:1 ҳисоби ўзгармай қолди. Бинобарин, турнир жадвалида «Қурувчи» пешқадамлигини сақлаб қолди. Қолган учрашувлар қуйидагича

яқунланди: «Локомотив» — «ОТМК» — 2:1, «Шўртан» — «Қизилқум» — 2:1, «Нефтчи» — «Сўғдиёна» — 1:0, «ЎзДонЖу» — «Насаф» — 1:4, «Динамо» — «Бухоро» — 4:1, «Машал» — «Андижон» — 1:0, «Металлург» — «Навбахор» — 2:2. Мамлакат XVII миллий чемпионатининг иккинчи давра беллашуварлари 8 августда сарт берилади. (Ўз муҳриримиз) СУРАТДА: ўйиндан лавҳа

Тадбирлар

ГИЁВАНДЛИК — АСР ВАБОСИ

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ГИЁВАНД МОДДАЛАРИНИНГ ЗАРАРЛИ ОҚИБАТЛАРИ ХУСУСИДА ТУШУНТИРИШ ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСЕ ЭТАДИ.

Айни шундай мақсад ва вазифалар кўзда тутилган тадбирлардан бири Юнусобод тумани ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт марказида бўлиб ўтди. Унда маҳалла фаоллари, марказда таҳсил олаётган ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Илғилишни кириш сўзи билан очган Юнусобод тумани ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт маркази директори Саодатхон Худойқўлова жумладан шундай деди: — Бугунги глобаллашув, тезкор тараққиёт даврида гиёвандлик, ОИТС, токсикомания сингари иллатларнинг пайдо бўлиши онгли инсониятни ўйлантириб кел-

моқда. Маълумот ўрнида шунга айтишимиз мумкинки, жаҳоннинг 100дан ортиқ давлатлари гиёвандликнинг олдини олиш мақсадида махсус ташкилотлар атрафига жиғиллашган. Аммо кейинги ўйиллик мобайнида аср вабосига чалинганлар сонининг икки бараварга ортгани ҳали бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг қўлғилини билдиради.

Шундан сўнг йилланган «Бободехқон» маҳалласи профилактика инспекторлари — майор Ойбек Юсуфжонов, катта лейтенант Дилшод Толиповларнинг шу мавзуда ирасидаги маърузаларини тингладилар. Таъкидлаб ўтилганида, маҳаллалар ҳудудида истиқомат қилувчи ёшларнинг бўш вақтини маъмули ўтказиш, гиёвандлик билан шугулланишига имкон бермаслик мақсадида «Мактаб-маҳалла-ойла» концепцияси доирасидаги ишларни жадаллаштириш зарур. Бу иш ўз-ўзидан кенчадиган жараён бўлмай, унда энг аввало, оила, маҳалла ва мактабнинг ўрни бекиб, негаки, оила қўрғонида яхши муҳит ҳўқирон бўлсагина боланинг тарбияси ҳақида ижобий мулоҳаза юритиш мумкин.

Илғилиш давомида ота-оналар ҳам ўз мулоҳазалари, тақлифларини билдириб ўтишди. Шу билан бир қаторда галдаги иш режалари ҳам белгилаб олинди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицей ва касб-хунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги Р-2146-сонли фармойишига асосан қуйидаги таълим муассасасининг вакант (бўш) бўлган директорлик лавозимига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Table with 2 columns: №, Таълим муассасаси номи, Манзили. Row 1: 1, Тошкент Давлат педагогика университети қошидаги академик лицей, Хамза тумани, Фаргона йўли кўчаси, 101-а

- 1. Танловда олий маълумотли камда 5 йил олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида педагог ҳамда раҳбарлик лавозимларида иш стажига эга бўлган, таянч олий маълумоти таълим муассасасида мавжуд бўлган тайёрлов йўналишларидан бирига тўғри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.
2. Танловда катнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:
1. Ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига ариза;
2. Сўровнома (справка-объективка);
3. Таржимаи ҳол;
4. Олий маълумот ҳақида дипломнинг нусхаси;
5. Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхаси;
6. Илмий-услубий ишлар ва иختиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
7. 3x4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
8. Паспорт (нусхаси);
9. Тавсифнома;
10. Мехнат дафтарчасидан нусха.
Ҳужжатларнинг асл нусхалари шаҳсан номзодлар томонидан кўрсатилади. Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.
Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Пушкин кўчаси, 7-уй, 6-қават: Тел: 233-05-01, 233-80-34.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ. Буюртма Г-606

Телефонлар: хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3189 нусxada босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашри отқазиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаоти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарк» нашриёт-матбаа оқширорлик компанияси босмохонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 3 4 5 6